

Ўзбекистон Президентининг Тинчлик кенгашидаги иштирокининг яна бир муҳим аҳамияти давлатимизнинг тинчликпарвар ташқи сиёсат концепциясининг намоян этилишидир. Бинобарин, Президент Ш.Мирзиёевнинг асосий ташқи сиёсий ёндашувларидан бири – можароларни куч ишлатиш орқали эмас, балки мулоқот, келишув ва халқаро ҳамкорлик асосида ҳал этишдир. Тинчлик кенгаши доирасидаги иштирок айнан шу тамойилларни амалий жиҳатдан халқаро аудиторияга етказиш имконини беради. Бу Ўзбекистоннинг тинчликпарвар давлат сифатидаги имижини мустаҳкамлайди.



АЁЛ

АДОЛАТ ВА ТАРАҚҚИЁТ ТИМСОЛИ

“Олмалик кон-металлургия комбинати” АЖ кўп йиллардан бери партияимизнинг яқин ҳамкори ҳисобланади. Яқинда ташкил этилганининг 75 йиллиги нишонланган ушбу комбинат нафақат иқтисодий салоҳияти, балки 35 минг нафардан ортиқ ишчи-ҳодимлар меҳнат қиладиган улкан тузилма экани билан ҳам ажралиб туради. Жамоанинг салмоқли қисми хотин-қизлар, ёшлар ҳиссасига тўғри келади. Комбинат республикамиз ижтимоий-иқтисодий ҳаётида етакчи ўрин тутаяди. Сўнгги йилларда “Адолат” СДП билан комбинат ўртасида кўшма лойиҳалар, акция ва учрашувлар тез-тез ўтказиб келинмоқда. Шундай тадбирларнинг навбатдагиси “Аёл – адолат ва тараққиёт тимсоли” мавзусига бағишланди.

ҚУРАМА БАҒРИДАГИ ХАЗИНА

Партия вакиллари дастлаб “Металлургия” маданият саройи ва “Олмалик кон-металлургия комбинати” АЖ музейида бўлишди. Корхонанинг ташкил этилиши тарихи ва шонли йўлидан сўзлайдиган экспонатлар меҳмонларда катта таассурот қолдирди.

Ишчи гуруҳ шундан сўнг Қурама тоғлари бағрида жойлашган 3-Мис бойитиш фабрикаси фаолияти билан танишди. Қайд этилганидек, мазкур мажмуа жаҳоннинг илғор технологиялари

ва юқори сифат стандартлари асосида барпо этилган бўлиб, мамлакатимиз саннат кувватини янги босқичга олиб чиқди. Беш йил муқаддам – 2021 йил 29 июль кунини давлатимиз раҳбари комбинат негизда рангли ва қимматбаҳо металлургия ишлаб чиқаришни кенгайтириш ишлари билан танишиб, “Ёшлик-1” конини ўзлаштириш доирасида ушбу янги кувватга тамал тоши қўйганди.



Муносабат

ХАЛҚЧИЛ ИЖТИМОЙ СИЁСАТНИНГ

мустаҳкам асослари белгиланди

Мамлакатимиз ҳаётида тизимли ва чуқур янгиликлар босқичи кечмоқда. Иқтисодидан тортиб энг қуйи бўғин – маҳаллагача бўлган бошқарув тизими халқаро меъёрларга уйғунлашиб, очиқлик, ҳисобдорлик ва натижадорлик тамойиллари асосида тубдан такомиллаштирилди.

Робохон МАХМУДОВА,
Ўзбекистон “Адолат” СДП
Сиёсий Кенгаши раиси,
Олий Мажлис Қонунчилик
палатасидаги партия
фракцияси раҳбари

Энг муҳими, миллий тараққиёт концепцияси амалда ишлаган, жамият ҳаётида аниқ сезилаётган таъсирчан механизмга айланмоқда. Яқин йилларгача тасаввур қилиш қийин бўлган кўплаб ўзгаришлар бугун реал воқелик сифатида намоян бўлмоқда.

Бунини Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Маҳаллани ривожлантириш ва жамиятни юксалтириш” йиллида устувор йўналишлар бўйича ислохотлар дастурлари ва “Ўзбекистон-2030” стратегиясини амалга ошириш бўйича Давлат дастури тўғрисида”ги фармони моҳияти, аҳамиятидан ҳам яққол кўриш мумкин.

Илғор хорижий тажриба ҳамда мутлақо янги ёндашув асосида ишлаб чиқилган Давлат дастурининг Президент Мурожаатномасида илгари сурилган ташаббуслар ва 2026 йил учун энг устувор ислохотларни қамраб олгани муҳим аҳамият касб этади.

Дастурда маҳаллаларга Янги Ўзбекистон қиёфасини олиб кириш, иқтисодий технологик ва инновацион ўсиш моделига ўтказиш, ички бозорда талабни рағбатлантириш, замонавий касблар ва янги меҳнат бозори архитектурасини шакллантириш, экологик мувозанатни таъминлаш ва сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш, давлат бошқаруви ҳамда суд-ҳуқуқ тизимини ислоҳ қилиш каби стратегик йўналишлар устувор этиб белгиланган.

Огоҳ бўлинг, ФИРИБГАР!

Firibgar



Бугун фирибгарлик жинояти турлари қаторига яна бир хавфли йўналиш – кибержиноят ҳам кириб келди. Кейинги пайтларда танишларимизнинг ҳам ижтимоий тармоқдаги шубҳали ҳаволани очиб қўйгани, нотаниш рақамга ишониб жавоб бергани ёки “осон даромад” ваъдаларига алдангани ортидан банк картасидаги маблағидан айрилгани тез-тез эшитиб қоляпмиз. Айрим ҳолатларда муаммо янада кескин тус олиб, фуқаролар номига улар билмаган ҳолда кредит расмийлаштирилган, одамлар емаган сомсаси учун пул тўлашга мажбур бўлаётгани аён бўлмоқда. Таҳлилларга қараганда, аксарият ҳолларда рақамли технологиялардан фойдаланиш маданияти етарли даражада шакл-

ланмагани, ахборот хавфсизлиги қоидаларига бепарволик билан қаралаётгани муаммонинг асосий сабабларидандир. Демак, муаммо фақат жиноятчининг айёрлигида эмас, балки жамиятнинг огоҳлик даражасида.

Шу мақсадда “Адолат” СДП ташаббуси билан мамлакатимиз бўйлаб “Огоҳ бўлинг, фирибгар!” шиори остида кенг қамровли тарғибот тадбирларига старт берилди. Худудий ва маҳаллий кенгашлар томонидан ўтказилаётган учрашув ва мулоқотларда кибержиноят турлари, энг кўп учраётган фирибгарлик схемалари ҳамда улардан ҳимояланиш усуллари кенг тунтирилмоқда.



ТАЛАБАЛАР “ХАВФСИЗ МАҲАЛЛА” ТИЗИМИГА ХИЗМАТ ҚИПМОҚДА



СУЗ ЭРКИНЛИГИ МАСЪУЛИЯТИНИ ҲАМ ТАҚОЗО ЭТАДИ

Ижтимоий психология нуктаи назаридан ҳам сўз масъулияти муҳим. ЁШЛАР БЛОГЕРЛАРНИНГ ФИКРИ ВА ҲАРАКАТЛАРИНИ НАМУНА СИФАТИДА ҚАБУЛ ҚИЛАДИ. УЛАРНИНГ ҲАР БИР ЧИҚИШИ, АЙНИҚСА, ЎСМИР ЙИГИТ-ҚИЗЛАРДА РЕАЛЛИК ҲИССИНИ ЮЗАГА КЕЛТИРИШИ МУМКИН. ШУНИНГ УЧУН БЛОГЕРЛИҚДА ИЖТИМОЙ ОҚИБАТЛАРНИ ҲАМ ҲИСОБГА ОЛИШ КЕРАК.





АЁЛ - АДОЛАТ ВА ТАРАҚҚИЁТ ТИМСОЛИ

Шиддат билан кечган қурилиш-бунёдкорлик ишларидан сўнг мамлакатимизнинг энг йирик мис қоники узоқлаштириш имконини берувчи улкан мажмуа қад ростлади. Жараёнда жаҳоннинг илғор технологиялари ва юқори сифат стандартларини қўлайдиган замонавий мис бойитиш фабрикаси иш бошлади.

Таъкидланишича, майдони 196 гектар бўлган фабрика қурилишида 23 мингдан ортиқ қурувчи ва мингдан ортиқ махсус техника иштирок этган. Жараёнда 788 минг куб бетон, 109 минг тонна арматура, 69 минг тонна технологик ускуна ва 65 минг тонна металл конструкциядан фойдаланилган. Шунингдек, 279 минг метр технологик қувурлар ўрнатилиб, 1,36 миллион метр электр ва 714 минг метр автоматлаштирилган кабеллари ётқизилган. Бу фақатлар фабрика нақадар улкан мегалойиха эканидан дарак беради.

Қолаверса, ҳар йили 60 миллион тонна маъдани қайта ишлаш қувватига эга бўлган фабрика Марказий Осиёдаги энг йирик мис ишлаб чиқарувчи мажмуалардан бирига айланмоқда. Йилга 900 минг тонна мис концентрати ишлаб чиқариш кўрсаткичи мамлакатимиз экспорт салоҳиятини ошириш, маҳаллий ишлаб чиқариш диверсификация қилиш ва миллий иқтисодиётда "мис кластери"ни тизимли ривожлантиришга ҳам салмоқли улуш бўлиб қўшилимоқда. Бу рақамлар ортда минглаб мутахассислар меҳнати, муҳандислик салоҳияти ва энг муҳими, аёлларнинг саноатдаги муносиб иштироки муҳассам.

Сафар давомида партияимиз вакиллари Марказий диспетчерлик бошқарув пункти, йирик майданга рудаларни сақлаш омбори, ўрта ва майин майдалаш корпуси, филтёр мажмуалари билан танишишди. Фабрика янги иш ўринлари яратиши нуктаи назаридан ҳам мегалойиха ҳисобланади. Тўлиқ қувватга чиққан 3670 та янги иш ўрни яратилди. Ёш кадрлар "Муҳандислар мактаби"да амалиёт ва малака ошириш курсларини ўтаб бориши ходимлар сифат таркибини ошириб боришда қўл келмоқда.

Ҳар қандай саноат корхонасининг экологияга таъсири масаласи ҳамisha долзарб саналади. Зеро, "Адолат" СДП Сайёловдиди дастурида ҳам иқтисодий лойиҳаларни рўёбга чиқаришда атраф-муҳитни мусоффо сақлашга биринчи навбатда эътибор қаратиш зарурлиги белгиланган. Шундан келиб чиқиб, партия вакилларини ушбу масала қизиқтирди. Қайд этилишича, корхонада бу жиҳат алоҳида эътиборга олинган. Барпо этишдан то ишлаб чиқариш жараёنларига қадар тизим "Яшил" стандартга тўлиқ жа-

воб беради. Фабрика ҳудудида айна кўнларда ҳам кенг қўламли кўкаламзорлаштириш ва ободонлаштириш ишлари олиб боришмоқда. Томчила-тиб сугориш тизимлари ва эко-дизайн ечимлари саноат ва табиат мувозанатини таъминлайди.

ОКМК: ФУТБОЛ ВА ТАРАҚҚИЁТ

"ОКМК" футбол клуби республикамизнинг профессионал жамоаларидан бири саналади. Дастлаб, "Металлург-Олмалик" номи остида фаолият юритган жамоа ўз даврида собиқ иттифоқнинг иккинчи лигасига қадар зафарли ўйинларда иштирок этган. Мустақиллик йилларида ҳам муҳлисларни хурсанд қилишда давом этгати.

Клубнинг асосий муваффақиятлари мамлакатимизнинг энг юқори футбол дивизиони - Ўзбекистон суперлигасидаги ўйинлар билан боғлиқ. Хусусан, жамоа 2018 йилда Ўзбекистон кубогини қўлга киритган, 2020 ва 2021 йиллардаги чемпионатларда эса 3-ўринни эгаллаган.

Клуб нафақат профессионал футболда, балки аёллар ва ёшлар футболини ривожлантиришда ҳам катта таърифага эга. Масалан, 2024 йилги мавсумда "ОКМК W" (аёллар) ва U 21 (ёшлар) жамоаси 2-ўринни қўлга киритгани фикримиз тасдиғидир. Аммо бу ҳаммаси эмас. Сўнгги йилларда "Олмалик кон-металлургия комбинати" АЖ томонидан болалар футболга ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда. Хусусан, 2025 йил август ойида "ОКМК" клуби қошида футбол академияси ташкил этилиб, тарбияланувчилар учун замонавий бино-иншоот ва майдон барпо этилди. Натигада, ёш футболчилар барча қўлайликларга эга шароитда яшаб, таълим олиш ва парраллел равишда футбол сирларини ўрганиш имконига эга бўлди.

"Адолат" СДП Сийёсий Кенгаши раиси Робохон Махмудова бошчилиги-

даги ишчи гуруҳ ушбу академия фаолияти билан танишди.

Муассаса 210 ўринга мўлжалланган бўлиб, 3 та ўқув залидан ташқари, ётоқхона, ошхона, тиббиёт ва қир ювиш хоналаридан таркиб топган. Замонавий жиҳозлар билан таъминланган бинода 6-11-синф ўқувчилари спорт сирларини ўрганмоқда. Уларга 25 нафар таърибали мураббийлар замонавий методологияларни қўллаган ҳолда сабоқ беришади.

Яратилган имкониятлар самараси ўлароқ академиянинг 12 ёшли болалар жамоаси Қирғизистон Республикасида ўтказилган халқаро турнирда бош совринни қўлга киритгани, 13-14 ёшли ўсмирлар жамоаси эса Қозғистонда ўтган халқаро мусобақада голиб бўлгани қувонарлидир.

Партияимиз етакчиси тарбияланувчилар билан суҳбатлашиб, уларнинг келгуси режалари билан қизиқди. Мақсад йўлида дадил қадам ташлаш зарурлиги, шунда инсон барча ниятларига, албатта, эришишини таъкидлаб, маслаҳат ва тавсиялар берди.

МИСКАРЛИКНИ КАСБ ТУТГАН ТЎМАРИСЛАР

Партияимиз фаоллари куннинг иккинчи ярмида Мис бойитиш фабрикаси ҳамда Мис эритиш заводида меҳнат қилаётган хотин-қизлар билан учрашди. Мулоқотда аёлларнинг ижтимоий ҳимоясини таъминлаш, улар учун муносиб меҳнат шароити яратиш, барқарор иш ўрни ва касбий ўсиш имкониятларини кенгайтириш масалалари муҳокама қилинди.

Таъкидланганидек, хотин-қизларнинг йирик иқтисодий тармоқлардаги иштироки нафақат ишлаб чиқариш самарадорлигини оширади, балки жамиятда ижтимоий адолат тамойилларини мустаҳкамлайди. Қолаверса, партия Сайёловдиди дастурида белгиланган устувор йўналишлар ижросида саноат корхоналари билан ҳамкорликни кучай-



тириш муҳим омилдир.

Мулоқот чоғида ишчи-меҳнат-кашларнинг сиёсий-ҳуқуқий билиминини ошириш, ишлаб чиқаришда инновацион ёндашуви рағбатлантириш ва инсон капиталига сармояни қўлайтириш бўйича таклифлар илгари сурилди.

Партия Сийёсий Кенгаши раиси Робохон Махмудова сўзга чиқиб, аёлларнинг иқтисодий мустақиллиги, касбий ўсиши давлат ва жамият тараққийотининг асосий шарти эканини таъкидлади.

— *Аёл меҳнат қилса, жамиятга қўшилса, ўзига ишончи ортади, оиласи барқарор бўлади*, — деди партияимиз етакчиси ўз сўзида. — *Оила барқарорлиги эса жамият мустаҳкамлиги кафолатидир. "Олмалик кон-металлургия комбинати" билан узоқ йиллардан бери яқиндан ҳамкорлик қилишимиз бежиз эмас. Бунинг муҳим сабабларидан бири 35 минг нафардан ортиқ ходим меҳнат қилаётган улкан жамоада сизлар каби замонамиз Тумарислари ҳам кўпчиликини ташкил этишидир. Партияимиз бундай мураккаб ва масъулиятли соҳада меҳнат қилаётган хотин-қизларни қўллаб-қувватлашни ўзининг асосий вазифаси, деб билади.*

Тадбир якунида сафимизга қўшилиш истагини билдирган 50 нафар фаол опа-сингилларимиз партия аъзолигига қабул қилиниши ва корхонада бошланғич партия ташкилоти тuzилди.

ОКМК ЎЗИ УЧУН КАДРЛАР ТАЙЁРЛАЙДИ

Комбинатнинг малакали кадрларга эътиёби жуда юқори. Шу сабаб илгор хориж таърибасини инобатга олган ҳолда 2023 йилдан муҳандислар тайёрлаш маркази фаолияти йўлга қўйилган. "Адолат" СДП Сийёсий Кенгаши раиси Робохон Махмудова бошчилигидаги партия фаоллари мазкур мактаб фаолияти билан ҳам танишди.

Бу ерда бўлажак муҳандислар геология, қончилик, маркшейдерлик иши,

металлургия, механика, энергетика, кон саноати транспортлари, автоматлаштириш каби таълим йўналишлари бўйича ўқитилади. Машгулотлар давомида "Sergo Mineral Systems", "Thyssenkrupp", "Meso Outotec", "UZTM-Karteks", "BeLaz" каби дунёнинг етакчи компаниялари технологияси ўргатилади. Бир ўқув курсига 160 нафаргача тингловчи қабул қилинади.

Яна бир аҳамиятли жиҳат, дарслар саноати ривожланган давлатларнинг етакчи олимлари ва ўқитувчилари томонидан ўтилатганидир. Маълумот ўрнида айтиш жоизки, "Олмалик кон-металлургия комбинати" ва Германиянинг Фрайберг техника университетининг қончилик академияси ўртасида меморандум имзоланган. Мазкур ҳамкорлик доирасига биргалликда малакали муҳандислар тайёрлаш масаласи ҳам киритилган.

Ҳар қандай соҳа ривожига замонавий технология, илгор ишлаб чиқариш тизими, халқаро алоқалар каби муҳим омилларга боғлиқ. Айниқса, билимли, малакали, жаҳон стандартлари талабига жавоб берадиган мутахассислар бунда асосий ўрин тутди. Шу боис, ОКМКда ана шундай иқтидорларни тайёрлаш устувор вазифа сифатида белгиланган.

ЁШ БОЛАЛИ ОНАЛАРНИНГ ҲАМ ИШЛАШ ИМКОНИ БОР

Бугун йирик саноат корхоналари фақат маш билан эмас, ижтимоий пакет билан ҳам ўзаро рақобат қилади. Боғча, мактаб, тиббиёт, спорт инфратузилмаси малакали кадрларни жамоада сақлаб қолишининг самарали воси-

Умуман оғанда, кун давомида ўтказилган учрашув ва давра суҳбатлари бир жиҳатни аниқ тасдиқлади: тараққийот фақат завод қуввати ёки экспорт ҳажми билан эмас, балки инсон омили, айниқса, аёлларнинг жамиятдаги фаол иштироки билан таъминланади.

"Аёл - адолат ва тараққийот тимсоли" мавзусидаги ушбу мулоқот саноат ривожига, маънавий юксалиш ва ижтимоий масъулият уйғунлигини намоён этган мазмунли ташаббус сифатида алоҳида аҳамият касб этди.

Орифжон ОДИЛОВ, партия матбуот хизмати ходими

таларидан бири. Қолаверса, барқарор ривожланишининг асоси инсон омилidir. Шу маънода, "Олмалик кон-металлургия комбинати" АЖ тизимида фаолият юритаётган 33-сонли мактабга таълим ташкилоти иккинчи даражали объект эмас. Партия фаоллари ушбу муассаса фаолияти билан танишиш жараёнида бунга амин бўлди.

Комбинатда минглаб ишчи-ҳодимлар меҳнат қилади. Уларнинг асосий қисми ёш оилалар ҳиссасига тўғри келади. Ана шу ходимларнинг фарзандлари учун муносиб таълим-тарбия шароитини яратиш ишлаб чиқариш жараёни билан бевосита боғлиқ. Чунки боласининг хавфсизлиги ва тарбияси борасида хотиржам ота-она ўз вазифасига тўлиқ эътибор қарата олади. Бу эса меҳнат интизомини, иш унумдорлигини ва умумий самарадорликка ижобий таъсир кўрсатади. Айниқса, ёш болали аёллар, сменали иш тартибиде фаолият юритадиган ишчилар учун мактабга таълим ташкилотининг мавжудлиги катта аниқликдир.

Шу билан бирга, мазкур боғча фақат ишчи-ҳодимлар манфаатларига эмас, балки ҳудуд ривожига ҳам хизмат қилади. Мактабга таълим сифатининг ошиши келажак авлоднинг билимли, интизомли ва жамиятга фойдали инсон бўлиб қамол топишига замин яратади. Бу эса узоқ истиқболда бутун шаҳар ва минтақа тараққийотига ижобий таъсир кўрсатади.

ХАЛҚЧИЛ ИЖТИМОЙ СИЁСАТНИНГ МУСТАҲКАМ АСОСЛАРИ БЕЛГИЛАНДИ

Бу вазифалар фақат иқтисодий ўсишни эмас, балки барқарор ва адолатли тараққийотни таъминлашга хизмат қилади. Эътиборли жиҳати шундаки, ушбу дастурни ишлаб чиқиш ва такомиллаштириш жараёнида жамоатчилик фикрига кенг йўл очилди.

Қисқа муддат ичида миллионлаб фуқаролар лойиҳа билан танишиб, минглаб таклиф ва мулоҳазалар билдирилди. Олий таълим муассасалари ва давлат идораларида ўтказилган муҳокамалар аҳолининг сиёсий фаолиги ва масъулияти ортб бораётганини яққол намоён этди.

Таҳлиллар натижасида конструктив деб топишган қўллаб-қувватларнинг Давлат дастурига киритилиши халқ билан мулоқотнинг амалий самарасидир.

Жумладан, аёллар ва болаларга нисбатан зўравонлик учун жазони қучайтириш, педофилия учун умрбод



озодликдан маҳрум этиш жазосини жорий қилиш, ипотека ва электроомбилар учун кредит механизмларини такомиллаштириш, қайта тикланувчи энергия манбалари улушини ошириш, коррупцияга қарши курашини янги босқичга олиб чиқиш, жиноят ишлари бўйича судларда халқ вакиллари иштирокини таъминлаш каби ташаббуслар кенг қўллаб-қувватланди.

Бу тақдирлар ижтимоий адолат ва қонун устуворлигини таъминлаш йўлидаги қатъий қадамлардир. Партияимиз учун мазкур дастурлар гоёвий ва мазмун жиҳатдан ҳамроҳанг. Дастурий мақсадларимиз марказида ижтимоий адолат, қонун устуворлиги, инсон ҳуқуқи ва манфаатларини ҳимоя қилиш тамойили туради.

Жазо сиёсатини такомиллаштириш ва унинг муқаррарлигини таъминлаш орқали жамиятда адолат ҳиссини мустаҳкамлаш, коррупцияга қарши тизимли ёндашув, суд-ҳуқуқ ислохотлари, ижтимоий ҳимоя механизмларини кучайтириш — партияимиз электорати манфаатларига тўлақонли мос келади.

Ислохотлар ижросини парламентдаги фракцияимиз ва маҳаллий Кенгашлардаги депутатлик корпуси орқали изчил назорат қилиб бориш, жамоатчилик фикрини етказиш ва қонунчилик ташаббуслари билан уларни янада такомиллаштиришга эътиборни кучайтираш ва чора-тадбирларни янги босқичга олиб чиқамиз.

ОГОҲ БЎЛИНГ, ФИРИБГАР!



ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ. Ажиниёз номидаги Нукус давлат педагогика институтида ўтган кенг қўламли тарғибот тадбири ёшлар он-гида ҳуқуқий иммунитетни шакллантиришга қаратилган муҳим мулоқот майдонига айланди. Бугун ахборот оқими шиддат билан оқиб келаётган бир даврда инсоннинг энг катта ҳимояси унинг огоҳлиги экани яна бир бор таъкидланди.

Тадбирда “Педагогика, психология ва ижодий таълим” факультети декани, профессор, “Адолатчи аёллар” қаноти кенгаши раиси Улбосин Сейтжанова, партия ҳудудий кенгаши раиси ўринбосари Шарипа Торешова, Қорақалпоғистон Республикаси Адлия вазирлиги масъул ходими Нурия Бердиниёзова ҳамда Ички ишлар органларининг хотин-қизлар масалалари бўйича катта инспектори Мийригул Наримбетовалар маъруза қилишди.

Таъкидланганидек, замонавий фирибгарлик эндилликда кўчада эмас, кўпроқ телефон кўнгириги ва интернет орқали эшик қоқмоқда. Айрим шахслар ўзини банк ходими сифатида таништириб, пластик карта рақамлари ва тасдиқловчи СМС кодларни қўлга кириштириш орқали фуқаролар маблағларини ўзлаштираётгани қайд этилди. Яна бир кенг тарқалган усул — ижтимоий тармоқлар орқали сохта совринлар, “физсиз кредит”, “тезор моддий ёрдам” каби жозибали ваъдалар билан ишонч қозониб, шахсий маълумотларни қўлга кириштириш. Шунингдек, фирибгарлар

тилишларга қарамай, оз бўлса-да, бундай ҳолатлар кузатилаётганини таъкидлади. Шундан сўнг, партия фаоллари ва ҳуқуқшунослар мавзу юзасидан йиғилганларга тушунча бердилар. Иллатга бефарқ қарамаслик, кўнгилчан инсонларнинг йўлидан кўндаланг чиқаётган бу жиноят ишонччи суиистеъмол қилиш орқали содир этилаётганини билдирдилар. Энг ачинарлиси, нафс дея айримлар ўз яқинларига зарар етказиб, уларга тегишли мулк ёки бошқа моддий бойликларга эгалик ҳуқуқини қўлга киритмоқда.

— *Ижтимоий тармоқлардан фойдаланиш ҳаётимизда кенг ўрин эгаллагани яхши, — дейди вилоят Адлия бошқармаси масъул ходими Ботиржон Йўлдошев. — Бироқ бундан айримлар ўз манфаати йўлида фойдаланяпти. Алдов йўли билан фуқароларнинг шахсий маълумотларини қўлга кириштириб, фирибгарлик билан уларнинг номидан иш кўряпти. Бу, биринчи навбатда, фуқароларнинг ишонувчанлиги, соддалиги ва қонунларимизни яхши билмаслигининг натижаси. Шу сабаб ҳар биримиз ўз ҳуқуқларимизни яхши билишимиз зарур.*

— *Жамоат жойларида айримлар ишонччиликни қозониш учун турлича йўл тутаяди, — дейди тадбир қатнашчиси Мухаммадсодиқ Каримов. — Очиғи, бундай вақтда қандай йўл тутишни билмай қоласиз. Буён ҳушёрлигимиз ошди. Фирибгарлар ҳар қадамда бизга дуч келиши мумкинлигини англаб етдик. Тенгдошларимиз*

масъул ходими, подполковник Абдурахим Эминов, вилоят Адлия бошқармаси ахборот бўлими бош маслаҳатчиси Лочинбек Васиевлар сўзга чиқишди. Ўзбекистон Республикаси Конституциясида мулк дахлсизлиги кафолатлангани, Жиноят кодексининг 168-моддасида фирибгарлик учун жиноий жавобгарлик белгиланганини эслатиб, фуқароларни ҳуқуқий жиҳатдан огоҳ бўлишга чақирди.

— *Ёшларнинг ахборот хавфсизлиги маданиятини ошириш бугунги кунда*



долзарб вазифа, — дейди университет Ҳарбий таълим факультети бошлиғи, подполковник Алишер Раҳимов. — “Адолат” партияси ташаббуси билан ўтказилаётган бундай тадбирлар курсант ва талабаларнинг ҳуқуқий онгини мустаҳкамлашда муҳим аҳа-

мият касб этади. Мутахассислар шахсий маълумотлар, банк картаси рақамлари ва СМС кодларни ҳеч қачон беғона шахсларга бермаслик, шубҳали ҳаволаларга кирмаслик, фақат расмий манбаалардан фойдаланиш каби муҳим тавсияларни улашди.

Хулоса қилиб айтганда, фирибгарликка қарши кураш фақат ҳуқуқчи муҳофаза қилувчи органлар эмас, балки ҳар бир фуқаронинг шахсий масъулиятини ҳам талаб этади. “Огоҳ бўлинг, фирибгар!” акцияси жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш ва фуқароларни замонавий таҳдидлардан ҳимоя қилишга хизмат қилади.

ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ. Рақамли технологиялар жадал ривожланаётган ҳозирги шaroитда фирибгарлар ўз усулларини такомиллаштириб, фуқароларни алдов тузоғига илтиришнинг янги-янги йўлларини қўлламоқда. Бу эса аҳолидан янада хушёрлик, ҳуқуқий билим ва огоҳликни талаб этади. Шу мақсадда “Адолат” СДП Тошкент вилояти кенгаши ташаббуси билан Нурафшон шаҳридаги 4-сонли умумий ўрта таълим мактабида давра суҳбати ташкил этилди.



“РАҚАМЛИ ТУЗОҚЛАР”га алданманг!

Сўнги пайтларда анъанавий усуллар билан бирга рақамли технологиялар, шу жумладан, сунъий интеллект жадал ривожланаётган айти шaroитда фирибгарликнинг электрон ва интернет орқали амалга оширилаётган шакллари ҳам кенг тарқалмоқда. Масалан, сунъий интеллект ёрдамида қизи номидан онадан пул сўраш, отага телефон қилиб қиз ёки ўғил номидан оғир аҳволда касалхонага тушганлигини айтиб маблағ ундириш каби ҳолатлар тез-тез учраяпти.



Шу муносабат билан “Адолат” СДП томонидан республика бўйлаб “Огоҳ бўлинг, фирибгар!” шиори остида кенг қўламли тарғибот акцияси бошланди. Мазкур лойиҳа доирасидаги илк учрашув Абу Али ибн Сино номидаги Сергели жамоат саломатлиги техникумида ташкил этилиб, унда партия фаоллари, экспертлар, қўнғичи-талабалар ва маҳалла фаоллари иштирок этишди. Тадбирда “Адолат” СДП Сийёсий Кенгаши раисининг биринчи ўринбосари Абдуқамол Раҳмонов, Тошкент шаҳар кенгаши раиси Мухаррам Дадахўжаева ҳамда ҳуқуқчи муҳофаза қилувчи органлар вакиллари бугунги куннинг “аччиқ рақамлари”га алоҳида тўхталиб ўтилди.



— *Сўнги пайтларда бой қизларни алдаб уй-жойи ва бошқа моддий бойликларини ўзига ўтказиб олаётган йиғитлар, йиғитларини ҳали турмушга чиқмаганман, деб алдаб, унинг бойликларига эгалик қилиб олаётган “уддабурон” аёллар ҳам учраётгани сир эмас. Фирибгарларнинг ширин ёлғонига ишонган содда фуқаролар пул ёки бошқа бойликларини ўз қўллари билан фирибгарга топширади. Шу сабабли, фирибгарлик жинояти аксарият ҳолларда ўта ақлли, пухта ва шум одамлар томонидан соддадил, ишонувчан, оққўнғил одамларга нисбатан содир этилади, — деди “Адолат” СДП Сийёсий Кенгаши раисининг биринчи ўринбосари Абдуқамол Раҳмонов.*

Мулоқот давомида соҳа мутахассислари иштирокчиларга фирибгарликнинг янгиланаётган шакллари, айниқса, интернет ва ижтимоий тармоқлар орқали қўйилаётган “рақамли тузоқлар” ҳақида батафсил маълумот берилди. Шахсий маълумотлар ва банк карталари махфийлигини сақлашда эҳтиёткорликни қўлдан бой бермаслик ҳар бир фуқаро учун ҳаётий зарурат экани қайд этилди. Шунингдек, учрашувда “Фирибгарликнинг асосий қўнғичилари ва уларнинг олдини олиш йўллари” мавзусидаги тақдиротлар намойиш этилиб, иштирокчиларга амалий тавсиялар берилди. Огоҳликка чорловчи видеороликлар ва мавзуга оид буклетлар тадбирнинг мазмун-моҳи-



ятини янада бойитди. Ҳар қандай шубҳали вазиятда зудлик билан ички ишлар органларига муурожаат қилиш зарурлиги ўқитилди. Эслатиб ўтамиз, мазкур тарғибот тадбирлари 16-27 февраль кунлари республикамизнинг барча ҳудудларида, туман ва шаҳарларида партиянинг ҳудудий кенгашлари томонидан тизимли равишда давом эттирилади.

“Адолат” СДП Матбуот хизмати



фуқароларга уларнинг яқинлари номидан кўнгироқ қилиб, гўё оғир вазиятга тушиб қолганини айтиб, пул сўраш ҳолатлари юз бераётганига эътибор қаратишди.

Бундай вазиятларда шоқалоқлик энг катта хато экани, аввало, маълумоти текшириш ва яқин инсон билан бевосита боғланиш зарурлиги алоҳида ургуланди. Ёлғон ҳаволалар орқали ака-каунтларни бузиш, шахсий маълумотларни ўғирлаш каби ҳолатлар ҳам кенг тарқалаётгани қайд этилди.

АНДИЖОН ВИЛОЯТИ. Бугун жамоатчиликни қийнаётган муаммолардан бири — фирибгарликнинг турли қўнғичиларда кенг тус олаётганидир. Бу иллатдан сақланиш йўлида, биринчи навбатда, фуқароларнинг ҳуқуқий маданиятини ошириш ва алдовларнинг қурбонига айланмасликлари учун огоҳликка чақириб зарур.

“Адолат” СДП томонидан республикамизда айти кунларда шу мақсадга қаратилган “Огоҳ бўлинг, фирибгар” акцияси ўтказилаётгани айти мурдадо. Жараён доирасида партиянинг Андижон вилояти кенгаши томонидан Андижон давлат тиббиёт институтида ташкил этилган давра суҳбати қизгин савол-жавоблар билан ўтди.

Унда бўлғуси шифокорлар билан бирга олийгоҳ ўқитувчилари иштирок этди. Тадбирда сўз олган “Адолат” СДП Андижон вилоят кенгаши раиси **Мадамжон Мадазимов** кейинги вақтда фирибгарлик ва у билан боғлиқ жиноятлар кўп содир этилаётгани, ундан сақланиш ўз қўлимизда экани ва бу борада жамоатчиликнинг ҳуқуқий маданиятини юксалтириш тўғрисида тушунча берди. Тиббиёт тизимида ҳам такрор ай-



ва оиламиздагиларга ҳам бу борада тушунча берамиз. Токи ҳеч ким алдов қурбонига айланмасин.

ФАРҒОНА ВИЛОЯТИ. Тадбир Фарғона давлат университети Ҳарбий таълим факультетида ўтказилиб, унга талаба-ёшлар, профессор-ўқитувчилар ва соҳавий идоралар вакиллари қамраб олинди.

Фирибгарликнинг анъанавий ва кибер шакллари, сохта совринлар, онлайн кредитлар, сохта трейдинг курслари, ижтимоий тармоқлар орқали алдаш схемалари юзасидан тушунтириш беришни мақсад қилган мулоқотда “Адолат” СДП Фарғона вилояти кенгаши раиси **в.в.б Орифжон Ўлмасов, Ички ишлар бошқармаси**



ОГОҲ БЎЛИНГ, ФИРИБГАРЛАР!

БУХОРО ВИЛОЯТИ. Худуддаги тарғибот тадбирига Бухоро давлат тиббиёт институти мезбонлик қилди. Унда **партиянинг вилоят кенгаши раиси Мақсуд Ҳомидов, адвокат Анвар Раҳматов** ҳамда **Ички ишлар бошқармаси ходими Жамшид Исломовлар** йиғилганларга кибержиноят ва фирибгарликнинг бугунги кўринишлари, унинг оқибатлари ҳамда олдини олиш чоралари ҳақида атрофлича маълумот беришди. Дастлаб сўз олган Мақсуд Ҳомидов ҳозирги шароитда фирибгарлар турли ёлғон ваъдалар, сохта акциялар ва тез бойиш ҳақидаги қақир-қақир орқали фуқаролар ишончига кириб, уларни катта миқдордаги маблағлардан маҳрум қилаётганини алоҳида таъкидлади. Шундан келиб чиқиб, партия ташаббуси асосида ўтказилаётган туркум тадбирларига тегишли соҳа мутахассислари жалб этилган.

Улар фуқароларга реал мисоллар асосида тушунтириш ишлари олиб боришга жиддий беп боғлагани, шу орқали алдов қурбонлари сони камайишига эришиш режалаштирилганини қайд этди. Ички ишлар бошқармаси ходими Жамшид Исломовага қўра, фирибгарлар ўқишга киритиб қўйиш, ишга жойлаштириш, суд, тергов ёки прокуратура орқали жиноий, фуқаролик, маъмурий ва иқтисодий ишларни "ҳал" қилиш, қамоқдан чиқариш, аукцион орқали ер олиш, уй-жой олиб бериш, чет элга ўқишга юбориш, виза очиш, Кореяга ишга юбориш, Америкага визасиз олиб бориш, ҳоқим қарорини чиқариш каби ваъдалар билан фуқароларни алдамоқда. Айниқса, кибермақомада содир этилган ҳуқуқбузарликлар бўйича мурожаатлар сони сўнгги йилларда 34 баробарга ошган. Ушбу жиноятлар оқибатида мамлакатимиз фуқаролари 1 триллион 909 миллиард сўмдан ортиқ зарар кўрган.

Хусусан, 2019 йилда 18 тоифада 863 та кибержиноят қайд этилган бўлса, 2024 йилга келиб бу кўрсаткич 62 тоифада 58 800 тага етган. 2023 йилда кибержиноятлар умумий жиноятларнинг 6,2 фоизини ташкил этган бўлса, 2024 йилга келиб улар 44,4 фоизга етган. Мутахассисларнинг таъкидлашича, ҳозирда деярли ҳар иккинчи жиноят ахборот технологиялари орқали содир этилмоқда. Кибержиноятларнинг 98 фоизи банк карталари билан боғлиқ.

Адвокат Анвар Раҳматов фирибгарлик қурбонига айланган фуқаролар судлик билан тегишли органларга мурожаат қилиши усуларини тушунтирди.

Тадбир савол-жавобларга бой тарзда ўтди. Талаба-ёшлар ўзларини қизиқтирган саволларга мутахассислардан жавоб олдилар.

НАМАНГАН ВИЛОЯТИ.

Рақамли маконда янги хавфлар ортиб бораётган айни шароитда шахсий маълумотларни дахлсизлигини ҳимоя қилиш, шубҳали таклифларга танқидий ёндашиш ва ҳуқуқий билимларини мунтазам ошириб бориш ҳар биримиз учун ҳаётий заруратга айланди. Турли алдов схемалари, телефон орқали ишончга кириш, сохта ҳаволалар ва онлайн тўловлар билан боғлиқ ҳолатлар фуқароларнинг жиддий йўқотишларига олиб келмоқда. Афсуски, биргина Наманган вилояти мисолида ҳам бу борадаги кўрсаткичлар мақтагулик эмас. Айнан шу долзарб масалага бағишлаб Наманган давлат университети тиббиёт факультети мажлислар залида тарғибот тадбири ташкил этилди. Унда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар вакиллари, адлия органлари ходимлари, профессор-ўқитувчилар ҳамда талабалар иштирок этди.

Мулоқотни партиянинг **вилоят кенгаши раиси Исроилжон Жўраев** очиб, сўнгги йилларда кибержиноятчилик ҳо-

латлари хавфли тенденцияга айланган бўлиши, аҳоли, шу жумладан, талаба-ёшларда шахсий маълумотларни ҳимоя қилиш, рақамли ғиғна қондаларига амал қилиш ва ҳар қандай шубҳали ахборотга танқидий ёндашиш кўникмасини шакллантиришни долзарб вазифа сифатида эътироф этди. Тадбир давомида Адлия вазирлиги томонидан тайёрланган видеоролик намойиш этилди. Унда фирибгарлик қурбонларининг ачинарли қисматлари, бир лаҳзалик ишонч ёки шомша-шошарлик ортдан келиб чиққан оғир оқибатлар ҳаётий мисоллар асосида кўрсатилди.

Университет профессори, **халқ депутатлари вилоят Кенгаши депутати Наримон Дехқонов** эса ахборот маконида танқидий фикр юритиш кўникмасини шакллантириш зарурлигини таъкидлади. Унинг фикрича, ҳар бир хабар ва таклифни текширмасдан қабул қилиш эмас, балки манбасини аниқлаш, далилларни солиштириш ва шох-



МАЪНАВИЯТ ВА МАЪРИФАТ МАРКАЗИ ВИЛОЯТ БЎЛИМИ БОШЛИГИ, ВИЛОЯТ КЕНГАШИ ДЕПУТАТИ МУСОХОН ОЛПОҚОВ

телефон орқали содир этилаётган жиноятлар кўпайиб бораётганига эътибор қаратди. У ёшларни китобхонликка қорлаб, ахборот маданиятини ошириш орқали маънавий иммунитетни мустаҳкамлаш кераклигини таъкидлади. Чунки киберфирибгарлик нафақат техник муаммо, балки, ишонувчанлик, шошқалоқлик ва маънавий бўшлиқ сабаб юзага келаётган жиноят туридир.

Тадбирда, шунингдек, фуқароларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари, фирибгарлик ҳолатларига дуч келганда мурожаат қилиш тартиби, ариза ва шикоятларни расмийлаштириш жараёнлари юзасидан аниқ тушунчалар берилди. Мутахассислар шубҳали кўнғирок ёки хабар келиб тушганда суҳбатни дарҳол тўхтатиш, расмий рақамлар орқали маълумотни аниқлаштириш ва зарур ҳолларда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга мурожаат қилиш лозимлигини яна бир бор ўқитишди. Ҳа, жиноятчиликка қарши кураш фақат ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар вазифаси эмас. Бу – бутун жамиятнинг умумий масъулиятидир. Огоҳ, маърифатли жамиятгина киберфирибгарликка қарши мустаҳкам қалқон бўла олади.



ЖИЗЗАХ ВИЛОЯТИ.

Ҳақиқатан, ушбу ташаббус фуқароларнинг ҳуқуқий ва рақамли саводхонлигини ошириш, киберхавфларга нисбатан мurosасизлик маданиятини шакллантиришга қаратилгани билан эътиборга молиқдир. Зотан, соҳа экспертлари келтирган таҳлиллар масаланинг қанчалик жиддий эканини яққол кўрсатади. Маълумотларга қўра, фирибгарлар 60 фоиз ҳолатда зарарли ҳаволалар ва дастурлар юбориш орқали банк картаси ёки мобил қурилма устидан назоратни қўлга киритмоқда. Шунингдек, СМС-кодларни эгаллаш орқали ҳисобларни бошқариш 16 фоизни, онлайн савдо платформаларидаги алдовлар 11 фоизни, турли молиявий схемалар орқали маблағ жалб қилиш 9 фоизни, фуқаролар номига онлайн кредит расмийлаштириш эса 4 фоизни ташкил этмоқда. Бу, ўз ўрнида, ҳар биримизда жиддий хавотир уйғотиши табиий.

Сабаби мазкур рақамлар ортида минглаб инсонлар тақдирини, оилалар бюджетини ва ишонч масаласи турибди. Жиззах давлат педагогика университети қошидаги академик лицейда партия фаоллари ва маҳаллий кенгашлар депутатлари, вилоят Ички ишлар бошқармаси ҳамда Адлия бошқармаси вакиллари, ўқитувчи ва ўқувчи-ёшлар иштирокида ўтган тадбирда айнан шу жиҳатларга алоҳида ургу берилди. Хусусан, "Адолат" СДП вилоят кенгаши раиси **Ориф Шукуров** фирибгарлик жиноятлари тури ва усуллари кўпайиб бораётганини, айниқса, интернет ва ахборот технологиялари орқали амалга оширилаётган алдов ҳолатлари жиддий хавф туғдираётганига эътибор қаратди. Унинг сўзларига қўра, ёшлар шахсий маълумотларини ҳимоя қилиш, шубҳали таклиф ва кўнғирокларга ишонмаслик, ҳуқуқий билимла-

рини мунтазам мустаҳкамлаб бориш орқали ўзларини ҳимоя қилишлари лозим.

Шу билан бирга, тадбирда фирибгарликка қарши курашиш бутун жамиятнинг биргаликдаги саъй-ҳаракатига таъйини алоҳида таъкидланди. Вилоят **Ички ишлар бошқармаси Ахборот технологиялари соҳасидаги жиноятларга қарши курашиш бошқармаси масъул ходими, капитан Шохрух Файзуллаев** эса фирибгарлик механизмларини батафсил шарҳлаб берди. Унинг таъкидлашича, бу турдаги жиноятлар аксарият ҳолларда олдиндан пухта режалаштирилган ва психологик таъсир орқали амалга оширилади. Жиноятчилар ўзини банк ходими, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи орган вакили сифатида таништириб, "Ҳисобингиздан пул ечимлоқда", "Номингизга кредит расмийлаштирилмоқда" каби кўркүв уйғотувчи гаплар орқали фуқарони шовишлиқ қарор қабул қилишга ундайди. Айнан саросима лаҳзаси улар учун қулай имкониятга айланади.

ВИЛОЯТ ИЧКИ ИШЛАР БОШҚАРМАСИ КАТТА ЛЕЙТЕНАНТИ САРВИНОЗ ОСМОНҚУЛОВА

муҳим жиҳатга эътибор қаратди: расмий банк ёки давлат идоралари ҳеч қачон телефон орқали карта рақами, амал қилиш мuddати ёки СМС орқали келган махфий кодни сўрамайди. Бундай маълумотларни тақдим этиш фуқаронинг ўз маблағини хавф остига қўйиши демакдир. Шу боис, шубҳали кўнғирок ёки хабар келиб тушганда суҳбатни дарҳол тўхтатиш, маълумотни фақат расмий рақамлар орқали аниқлаштириш ва зарур ҳолларда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга мурожаат қилишни тавсия этди. Шунингдек, интернетда арзон нарх, тез бойиш ёки осон даромад ваъда қилувчи эълонлар ортида кўпинча фирибгарлик ҳолатлари яширин бўлиши мумкинлигини ҳаётий мисоллар билан тушунтирди.

ҚАШҚАДАРЭ ВИЛОЯТИ.

Мамлакатимизда барча турдаги мулкка бўлган ҳуқуқлар дахлсизлиги қонун билан кафолатланган. Аммо сўнгги пайтларда содда ва ишонувчан фуқароларни алдаб, уларнинг шахсий мулкига эга чиқаётган айёр шахслар сони ортиб бормоқда. Айниқса, мазкур турдаги жиноятлар авж олмоқда, содир этиш усуллари ва турлари кўпайгани ижтимоий хавфлилик даражасини сезиларли даражада оширмоқда. Шунингдек, аҳолининг ҳуқуқий онги ва маданиятини юксалтириш, фирибгарликка қарши профилактик чораларни кучайтириш ҳамда фуқароларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини самарали ҳимоя қилиш мақсадида "Адолат" СДП Қашқадарэ вилояти кенгаши ҳамда вилоят Адлия бошқармаси ҳамкорлигида Қарши давлат университетида "Огоҳ бўлинг, фирибгар!" акцияси ўтказилди.

Тадбир аввалида партия вилоят кенгаши раиси **Руиддин Раупов** акциядан кўзланган асосий мақсад – аҳоли, айниқса, ёшлар ва кекса авлод орасида фирибгарлик ҳолатларига қарши эҳтиёткорлик ва ҳуқуқий онгини шакллантириш эканини таъкидлаб, бу борада соҳа мутахассислари томонидан тақдим этилаётган таъсирли фуқароларни ҳар қандай алдов ва қонуنبузарлик усулларида ҳимоялашда самарали восита бўлиб хизмат қилишини қайд этди. Акция доирасида вилоят кенгаши фаоллари маҳаллалар, таълим муассасалари, турли ташкилот ва корхоналарда учрашувлар, очик мулоқотлар ҳамда тарқатма материаллар орқали аҳолининг барча қатламларини қамраб олишга ҳаракат қилмоқда. Бу эса жамиятда ҳуқуқий иммунитетни мустаҳкамлаш, фуқароларнинг онгли ва эҳтиёткор бўлишини таъминлашда муҳим аҳамият касб этади.

ШУНИНГДЕК, ИШ РЕЖАСИГА МУВОФИҚ, ҲУҚУҚШУНОС

Дилрабо Чориева Президент ҳузуриндаги Давлат бошқаруви ва сиёсати академияси вилоят филиалидаги тингловчилар билан давра суҳбати ўтказди. Суҳбатда Д.Чориева акциянинг жамият хавфсизлигини таъминлашдаги аҳамияти, фуқароларнинг ҳуқуқий билимларини мустаҳкамлаш ва фирибгарликка қарши жамоавий иммунитетни шакллантиришдаги самарасига алоҳида эътибор қаратди. У ҳуқуқий билимини ошириш ва огоҳлиқни кучайтириш фуқароларни фирибгарлар хуружидан ҳимоя қилиш билан бирга, жамиятда ишонч ва барқарорлик муҳитини юксалтиришини таъкидлади.

Вилоят кенгашлари матбуот хизмати
маълумотлари асосида
Илҳомжон АбДУСАЛОМОВ тайёрлади



СУРХОНДАРЭ ВИЛОЯТИ.

Ҳозирги кунда ижтимоий тармоқлар "Пулингизни икки баравар кўпайтириб бераман, бир неча соатда миллион топасиз" деган "инфлюенсерлар" га тўлиб-тошган. Кўпчилик уларнинг шов-шувли ваъдаларига ишониб, шахсий маълумотларини ва банк реквизитларини осонгина бериб қўймоқда. Аслида бу оддий фирибгарликнинг янги усулларидан бири бўлиб, фуқароларнинг молиявий хавфсизлигига жиддий таҳдид солиши билан хавотирлидир. Шу боис, шахсий маълумотларни ҳимоя қилиш ва интернетда хушёрликни йўқотмаслик бўйича тарғиботни кучайтириб, аҳолини огоҳликка қорлаш муҳим аҳамият касб этади. Термиз давлат университетининг Ахборот-технологиялар факультети

да партиянинг "Огоҳ бўлинг, фирибгар!" вишида қўлга киритиш авж олаётгани таъкидланди. Иштирокчиларга шубҳали кўнғирок ва хабарларга ишонмаслик, шахсий маълумот ва банк реквизитларини сир сақлаш, интернет хавфсизлик қондаларига қатъий риоя қилиш, фақатгина расмий манбалардан фойдаланиш тавсия қилинди.

Шунингдек, ҳар қандай шубҳали ҳолат юзасидан тегишли идораларга мурожаат қилиш масаласига алоҳида эътибор қаратилди. **Ахборот технологиялари факультети 2-босқич талабаси Акбар Жўраев** учрашув ҳақида фикр билдираркан, жараён мазмунли ва фойдали бўлганини, фирибгарликнинг янги усуллари ҳақида аниқ

мисоллар орқали маълумот олиб, шахсий маълумотларни ҳимоя қилиш ва шубҳали таклифларга ишонмаслик кераклигини янада чуқурроқ англаганини қайд этди. Талабалар ўзларини қизиқтирган саволларга мутахассислардан аниқ ва батафсил жавоб олдилар. Бундай тадбирлар жамиятда ҳуқуқий саводхонликни ошириш, интернетдан оқилона фойдаланиш маданиятини шакллантириш ва аҳоли орасида шахсий хавфсизликка эътиборни кучайтиради.



Муносабат

ЎЗБЕКИСТОННИНГ ХАЛҚАРО НУФУЗИ

ВА МАСЪУЛИЯТЛИ ПОЗИЦИЯСИ

Глобал сиёсатда тинчлик ва хавфсизлик масалалари тобора мураккаб тус олаётган ҳозирги шароитда давлат раҳбарларининг халқаро майдонлардаги иштироки мамлакат ташқи сиёсатининг йўналиши ва салоҳиятини яққол намоён этади. Шу нуқтаи назардан, Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг АҚШда ўтказилган Тинчлик кенгаши доирасидаги тадбирларда иштирок этиши муҳим сиёсий ва стратегик аҳамиятга эга воқеа сифатида баҳоланмоқда.

**Гулруҳ АГЗАМОВА,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси
қўмита раиси**

Шубҳасиз, Президент Ш.Мирзиёевнинг бундай нуфузли майдонда иштирок этиши Ўзбекистоннинг халқаро муносабатларида фаол, очиқ ва масъулиятли давлат сифатидаги мавқеини мустаҳкамлайди. Тинчлик кенгаши доирасидаги чиқиш ва мулоқотлар мамлакатнинг глобал хавфсизлик, можароларни дипломатик йўл билан ҳал этиш ва барқарор тараққиёт масалаларига бефарқ эмаслигини кўрсатади. Бу эса Ўзбекистонни халқаро ҳамжамиятда ишончли шерик сифатида қабул қилинишига хизмат қилади.

Таъкидлаш жоизки, йил бошида илгари сурилган ушбу ташаббус қатор давлатлар, жумладан, Кенгаш таъсисчилари қаторига кирган Ўзбекистон томонидан қўллаб-қувватланиб, тинч дипломатия, кўп томонлама ҳамкорлик ва халқаро барқарорликни сақлаш учун масъулият таъминловчи сифатини тасдиқлади.

Тинчлик кенгаши ташкил этилиши халқаро ҳамжамиятнинг можароларни

олдини олишнинг таъсирчан механизмларини шакллантириш ва ҳозирги замоннинг, энг аввало, Яқин Шарқ минтақасидаги энг ўткир инқирозларнинг сиёсий-дипломатик ечимларини излаш борасидаги саъй-ҳаракатларининг мантиқий давоми бўлди.

Ўзбекистоннинг ушбу тузилмани таъсис этишдаги иштироки Тошкентнинг мулоқот, халқаро ҳуқуқни ҳурмат қилиш ва куч сценарийларига йўл қўймаслик ғояларини илгари суришга қаратилган изчил ташқи сиёсатини акс эттиради. Давлатимизнинг БМТ резолюцияларига мувофиқ адолатли ва барқарор тинчлик ечимини қўллаб-қувватлашга асосланган Фаластин масаласи бўйича позицияси ушбу ташаббус доирасида кўшимча халқаро руҳ олди.

Ўзбекистон давлат раҳбарининг Тинчлик кенгашининг биринчи йиғилишида иштирок этиши сўнгги ойларда қўзғатилган Ўзбекистон – АҚШ сиёсий мулоқотининг фаоллашувиغا ҳамоҳангдир. Ўтган ярим йил ичида Тош-

кент ва Вашингтон ўртасидаги олий даражадаги мулоқотлар сезиларли даражада фаоллашди. Бу икки томонлама муносабатларнинг сифат жиҳатидан янги босқичидан далолат беради.

Мулоқот 2025 йил ноябрь ойи бошида Ўзбекистон Президентининг Қўшма Штатларга амалий ташири чоғида янада ривожланди. АҚШ Президенти билан музокаралар, Америка истеблители, Конгресси ва ишбилармон доиралари вакиллари билан учрашувлар бўлиб ўтди. Ташриф доирасида стратегик шериклик, иқтисодий ҳамкорлик, инвестициявий шериклик ва минтақавий хавфсизлик масалаларига, шу жумладан, томонлар Марказий Осиёдаги саъй-ҳаракатларни мувофиқлаштиришнинг самарали механизми сифатида кўраётган “С5+1” форматига алоҳида эътибор қаратилди.

Амперика Қўшма Штатларида Ўзбекистонга ваэмин ва прагматик ташқи сиёсат олиб бораётган ишончли, олдиндан айтиш мумкин бўлган ва масъулиятли ҳамкор сифатида қараш тобора барқарор тус олмоқда.

Албатта, бир томондан, Тинчлик кенгаши доирасидаги иштирок икки томонлама муносабатларни мустаҳкамлаш учун муҳим дипломатик платформа бўлиб ҳисобланса, иккинчи томондан, унда Марказий Осиё манфаатларини илгари суриш мақсади ётибди.

Дарҳақиқат, АҚШ билан хавфсизлик, терроризмга қарши кураш, иқтисодий ҳамкорлик ва инвестициявий лойиҳалар масалаларида очиқ мулоқот ўрна-тилиши Ўзбекистон ташқи сиёсатининг прагматик йўналишини намоён этади. Бу эса икки давлат ўртасидаги ишонччи янада оширади.

Шу билан бирга, Ўзбекистон томо-

нидан Марказий Осиёга хос долзарб муаммоларни кўтариб чиқиш имкониятига эга бўлиш орқали минтақадаги барқарорлик, хавфсизлик, Афғонистон масаласи, сув-энергетика ресурсларидан оқилона фойдаланиш каби йўналишлар глобал кун тартибига олиб чиқилади. Бу эса, ўз навбатида, Марказий Осиёнинг ягона ва ўзаро боғлиқ минтақа сифатида қабул қилинишига туртки беради.

Ўзбекистон Президентининг Тинчлик кенгашидаги иштирокининг яна бир муҳим аҳамияти давлатимизнинг тинчликпарвар ташқи сиёсат концепциясининг намоён этилишидир. Бинобарин, Президент Ш.Мирзиёевнинг асосий ташқи сиёсий ёндашувларидан бири — можароларни куч ишлатиш орқали эмас, балки мулоқот, келишув ва халқаро ҳамкорлик асосида ҳал этишдир. Тинчлик кенгаши доирасидаги иштирок айнан шу тамойилларни амалий жиҳатдан халқаро аудиторияга етказиш имконини беради. Бу Ўзбекистоннинг тинчликпарвар давлат сифатидаги имижини мустаҳкамлайди.

АҚШга ушбу ташриф, шубҳасиз, Тошкент ва Вашингтон ўртасидаги ўзаро ҳамкорликни ҳар икки томон манфаатларига, минтақада ва умуман, дунёда тинчлик ва барқарорликни мустаҳкамлаш вазифаларига жавоб берадиган барқарор стратегик даражада олиб чиқишга хизмат қилади. Ўзбекистоннинг глобал сиёсатдаги ўрнини мустаҳкамлайди, Марказий Осиё манфаатларини халқаро даражада илгари суради ва мамлакатнинг тинчлик, барқарорлик ҳамда ҳамкорликка асосланган ташқи сиёсатини амалда намоён этади. Бу иштирок Ўзбекистон учун нафақат сиёсий, балки стратегик келажак нуқтаи назаридан ҳам катта аҳамият касб этади.



ТАЛАБАЛАР “ХАВФСИЗ МАҲАЛЛА” ТИЗИМИГА ХИЗМАТ ҚИЛМОҚДА

Жамиятнинг асоси маҳалладан бошланади. Маҳалла тинч бўлса — давлат тинч бўлади, маҳалла ривожланса — давлат юксалади. Бу ўзига хос халқчил ғоя Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2026 йил 5 январда қабул қилинган “Республика маҳаллаларида хавфсиз муҳитни яратиш йўналишида яхлит манзилли ишлаш тизимини жорий этишга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қароридан ҳам аниқ ифодасини топди.

**Нодира ОБИДОВА,
ТДЮУ талабаси**

Қарор маҳаллаларда хавфсиз муҳит яратиш, жиноятчиликнинг олдини олиш, аҳоли муаммоларига бефарқ бўлмаслик, ҳар бир муносабатга эътибор билан ёндашиш каби масалаларни ягона тизимга бирлаштирди. Бу қонуности ҳужжати Ўзбекистонда

жиноятчиликнинг барвақт олдин олиш, ҳудудларда тинч ва хавфсиз муҳит яратиш, шунингдек, давлат ташкилотларини аҳоли билан боғловчи, фуқароларимизнинг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини юксалтиришга, энг муҳими, маҳалла тизимини янада ривожлантиришга мўлжалланган муҳим дастурдир.

Албатта, маҳалла оддий ташкилий бирлик эмас. У жамиятнинг юраги, инсон тақдирлари туташадиган, муаммолар ва умидлар бир жойда жам бўла-



диган макондир. Айнан маҳалла фуқаро ва давлатни боғловчи кўприқдир. Президент қароридан ҳам маҳаллага манзилли ёндашув, ҳар бир ҳудуд билан алоҳида ишлаш, муаммоларни жойида ҳал қилиш тамойили устувор қилиб белгиланган. Бу эса “юқоридан қарор — пастда ижро” эмас, балки “халқ ичида муаммо — жойида ечим” деган янги бошқарув маданиятини аналтади.

Бу жараёнда Тошкент давлат юридик университети ҳам фаол равишда иштирок этмоқда. ТДЮУ нафақат юридик кадрлар тайёрлайдиган олийгоҳ, балки жамият муаммоларига бефарқ бўлмаган, ижтимоий жараёнларга фаол қатнашадиган ҳуқуқий тафаккур марказига айланмоқда. Университетимиз раҳбар ходимлари ва жамоаси Президент қарори руҳини фақат ҳужжат сифатида эмас, балки ижтимоий масъулият сифатида қабул қилмоқда. Талабалар, профессор-ўқитувчилар, илмий ходимлар маҳаллаларда олиб борилаётган профилактика ишлари, ҳуқуқий тарбиялар, тушунтиришлар, ёшлар билан ишлаш жараёнларида фаол иштирок этмоқда.

Хусусан, Оммавий ҳуқуқ факультетининг 3-курс талабаларидан 310 нафари юридик таълимни амалиёт билан боғлаш мақсадида Тошкент шаҳридаги 97 та маҳаллага бириктирилди. Сергеи ва Яшнобод туманларидаги МФЙларига амалиёт учун бириктирилган талабаларимиз ўзларининг назарий билимларини амалиётда қўллаш ва маҳалла тизимидаги ҳуқуқий муаммоларни ўрганиб, ҳал этишда фаоллик кўрсатишмоқда.

Яқинда ТДЮУ ректори, факультет деканлари, профессор-ўқитувчилар ҳамда “Юридик клиника” фаол талабалари иштирокида Яшнобод тумани “Хосиятли” МФЙда аҳоли билан учрашув ташкил этилиб, Президент қарорининг мазмун-моҳияти тушунтирилди, фуқароларнинг ҳуқуқий муаммолари ўрганилди.

2026 йил — Маҳаллани ривожлантириш ва жамиятни юксалтириш йили

ИҚТИСОДИЙ БАРҚАРОРЛИКДАН ФАРОВОН ЖАМИЯТ САРИ

Бугунги глобаллашув шароити, геосиёсий беқарорлик ва иқтисодий хатарларнинг ортиши давлатлар учун ўз тараққиёт стратегиясини аниқ белгилашни ҳаётий заруратга айлантормоқда. Ўзбекистон ушбу муаммоларга жавоб сифатида ташқи омилларга ҳаддан зиёд боғланмаган, ички ресурслар ва инсон капиталига таянган барқарор ривожланиш моделини танлади. Бу ёндашув нафақат иқтисодий барқарорликни таъминлаш, балки мамлакатнинг узоқ муддатли тараққиётини стратегик асосларда режалаштиришга имкон беради.

**Шоҳруҳ САМИЕВ,
Шаҳрисабз давлат педагогика институтининг
Таълим сифатини назорат қилиш бўлими
бош мутахассиси**

Ҳар бир давлат ривожда мавжуд бўлган муҳим стратегик ҳужжатлар фақатгина навабдаги йилнинг вазифаларини белгилаб қолмайди, балки жамият тараққиётининг бутун фалсафасини, устувор йўналишлар тизимини ва давлат сиёсатининг ички мантигини ҳам акс эттиради.

Мамлакатимизда 2026 йилнинг “Маҳаллани ривожлантириш ва жамиятни юксалтириш йили” деб эълон қилиниши Янги Ўзбекистон жамияти ривожда муҳим бурилиш нуқтаси сифатида баҳоланади. Ушбу концепция ижтимоий ҳаётимиз, мамлакат иқтисодиёти ва давлат бошқаруви тизимига ҳам сезиларли таъсир кўрсатади. Шу билан бирга, у давлат сиёсатининг барқарор ривожланиш ва ижтимоий фаровонликни таъминлашга қаратилган стратегик механизмларини ҳам акс эттиради.

Мазкур ёндашув мамлакатни рақобатбардош, технологик ва инсон капиталига асосланган иқтисодий тизимга айланттириш, ҳудудлар ва маҳаллий жамиятларнинг ривожланишини тезлаштириш ҳамда узоқ муддатли ижтимоий ва иқтисодий барқарорликни таъминлашга хизмат қилади.

Маҳалла жамиятнинг энг кичик бирликларида бири, шу билан бирга, ички иқтисодий барқарорлик ва ижтимоий капитални шакллантирувчи асосий тизими ҳамдир. Бу йўналишда амалга оширилган инвестициялар, инфратузилма лойиҳалари ва ижтимоий хизматлар ҳудудий тенгсизликни камайтириш, аҳолининг турмуш даражасини ошириш ва маҳаллий иш ўринларини яратиш имконини беради. Иқтисодий таҳлиллар қўрсатадики, маҳаллий инфратузилмани ривожлантиришга йўналтирилган маблағларнинг ҳар бир сўми иқтисодий мультипликатор эффекти орқали яшаш даражасини сезиларли даражада оширади.

Иқтисодиётни технологик ва инновацион ўсиш моделига ўтказиш эса юқори қўшилган қиймат яратиш, саноат ва хизмат кўрсатиш секторларида рақобатбардошликни оширишга хизмат қилади. Рақамли трансформация, сунъий индрок, ақли ишлаб чиқариш, инновацион стартапларни қўллаб-қувватлаш орқали мамлакатимиз иқтисодий салоҳиятини сезиларли даражада ошириш мумкин. Жаҳон тажрибасида, масалан, Жанубий Корея ва Сингапурда шу каби стратегиялар миллий даромадининг тез ўсишига хисса қўшган. Шу билан бирга, Ўзбекистоннинг ўзига хос имкониятлари, жумладан, меҳнат ресурслари ва табиий бойликлар, технологик инвестициялар билан уйғунлаштирилса, инновацион иқтисодий модел янада самарали бўлади.

Ушбу ёндашув миллий иқтисодиётнинг барқарор ривожланишини таъминлаш, юқори технологияли саноат ва хизмат кўрсатиш тармоқларини ривожлантириш ҳамда рақобатбардош иш ўринларини яратиш имконини беради.

Шунингдек, ички бозорда талабни рағбатлантириш иқтисодиётнинг барқарор ўсишига туртки беради. Бунда уй ҳужалиқларининг харид қуввати, товар ва хизматлар сегментларининг кенгайиши ва маҳаллий ишлаб чиқарувчиларни қўллаб-қувватлаш муҳим. Иқтисодий таҳлиллар шуни кўрсатадики, ички талабни рағбатлантириш стратегияси қисқа ва ўрта муддатли ўсишга хисса қўшади, шу билан бирга, импортга бўлган қарамликни камайтиради ва ички ишлаб чиқарувчиларнинг рақобатбардошлигини таъминлайди.

Ички талабни рағбатлантириш иқтисодий ўсишни тезлаштиради, айни вақтда бозорда соғлом рақобат муҳитини яратади. Маҳаллий ишлаб чиқарувчилар юқори сифатли маҳсулот ва хизматлар тақдир қилганда, истеъмолчилар ҳам сифатли товарлардан фойдаланади, шу билан ички бозорнинг мустаҳкам пойдевори яратилади. Шу тариқа, ички талабни ривожлантириш стратегияси миллий иқтисодиётнинг барқарор ва технологик ривожланишига хизмат қилувчи муҳим механизм сифатида қаралади.

Касбларни ривожлантириш ва янги меҳнат бозори архитектурасини яратиш мамлакатимизда меҳнат бозорини модернизация қилиш, янги малакали иш ўринларини яратиш ва ёшларни замонавий касбларга йўналтириш имконини беради. Меҳнат ресурсларини стратегик бошқариш ва касб-хуна бўйича комплекс дастурлар ишлаб чиқиш иқтисодий самарадорликни оширади ва иш билан бандликни барқарорлаштиради.

Бугун юртимизда экологик мувозанатни таъминлаш, “яшил” энергетика ва сув ресурсларидан оқилона фойдаланишга алоҳида эътибор қаратилаётгани бежиз эмас. Зеро, глобал иқлим ўзгаришлари ва ресурсларнинг чекланганлиги шароитида барқарор ривожланиш модели экологик компонентни алоҳида талаб қилади. Сув, энергия ва табиий ресурслардан самарали фойдаланиш, қайта тикланувчи энергия лойиҳаларини амалга ошириш иқтисодий хавфсизликни оширади ва узоқ муддатли ривожланишга хизмат қилади.

Айни пайтда самарали бошқарув ва адолатли суд тизими сармоядорлар учун ишонч муҳитини яратади, коррупция ва иқтисодий рискларни камайтиради. Шу билан бирга, шаффоф давлат бошқаруви ҳудудий иқтисодий ривожланишни тезлаштиради, маҳаллий тадбиркорликни рағбатлантиради ва фуқароларнинг давлат тизимига ишончини оширади.

Энг муҳими, фаолиятнинг бундай устувор йўналишлари инсон салоҳиятини янада оширишга, жамият фаровонлигини мустаҳкамлашга ва юртимизнинг узоқ муддатли ривожини таъминлашга қаратилган. Мазкур устувор вазифаларнинг ҳар бири алоҳида ташаббуслар эмас, балки ягона, ўзаро боғлиқ тараққиёт моделининг таркибий қисмлари ҳисобланади. Барча билан дўстона ва ақин қўшничилик тамойиллари асосида олиб борилаётган ташқи прагматик сиёсат, ички талабга таянган иқтисодий ўсиш, инсон капиталига сармоя, экологик масъулият ва адолатли бошқарув Янги Ўзбекистонни янада ривожланиш босқичига олиб чиқмоқда. Бу йўл мураккаб, аммо изчил ва пухта режалаштирилган бўлиб, унинг марказида инсон, унинг қадр, фаровонлиги ва келажакка бўлган ишонч турибди.

Мавзуга қайтиб



ТАХРИРИЯТДАН:
ЎТган сонимизда чоП этилган журналист Муҳиддин Омаднинг "Блогер эркинлиги, билим ва журналистика чегараси" сарлавҳали мақоласи кўплаб баҳс-мунозарааларга сабаб бўлди. Унда блогерлик ва журналистика ўртасидаги фарқ, сўз эркинлиги ҳамда масъулият масалалари таҳлил қилинган бўлиб, жамоатчилик фаолиятини турли фикрлар, мулоҳазалар ва тавсиялар келиб тушди. Ижтимоий тармоқ саҳифаларимизга ушбу мавзуда йўлланган айрим фикрларни эътиборингизга ҳавола этишни лозим топдик.

ШАҲНОЗА СОАТОВА:

Мақолада блогер ким, журналист кимлиги аниқ очиб берилибди. Ҳақиқатан ҳам охирги пайтларда блогерлар ўзини журналист, деб таништириши одатий ҳолга айланиб борапти...

ГУЛНИСО САИДОВА:

Мақолада бугунги замон учун жуда долзарб мавзу кўтарилибди. Журналист касби билан блогернинг фарқи аниқ очилган. Ушбу мақолани кенг тармоқларда ёритиш халқимиз учун ҳам манфаатли бўлади.

КАЛАРА ИБРАГИМОВА:

Мамлакатимизга скутер транспорт тури кириб келган дастлабки йилларда уларга муайян ҳужжат, давлат рақами берилмаган. Скутер ҳайдовчилари томонидан йўл-транспорт ҳодисалари содир этилиши кўпайгани сабаб, ушбу турдаги транспорт воситаларига ҳам давлат рақами, расмий ҳужжат бериш зарурати тугилди. Блогерлик ҳам нисбатан янги тушунча. Тартибга солиш эҳтиёжи сезилмоқда. Ҳар ҳолда билим, савия, дунёқараш шарт этиб белгиланиши керак.

ААЗИЗ БЕШИМОВ:

Блогерлар журналистика илмидан хабардор бўлса, ўзига фойда қилади. Одоб билан, маданиятга риоя қилган ҳолатда икки томоннинг фикрини бериши керак. Шундагина таяйилган лавҳасида холислик таъминланади. Блогерликни таъқиқлаш эмас, уни ривожлантиришга кўмаклашиши керак. Бундан жамият ҳам, давлат ҳам ютади. Уларни ошкоралик сиёсатига ҳисса қўшувчи кишилар, деб биламан.

ЛАТИФХУҲА УСМОНХУҲАЕВ:

Туманимизда фаолият юритаётган бир нечта блогерни шахсан танийман ва фаолиятини кузатиб бораман. Қайсики гапга чечанлари, мақтовни жойида қўядиганлари танқидий мавзуларга аралашмай, фақат тадбиркорлар фаолиятини реклама қилиб, даромад топапти.

Бироқ шундайлари борки, шантаж йўлига ўтиб, идора-ташкilotларга бориб, йўқ жойдан хато қидириб, арзимас камчиликни тасвирга олиб, блогига жойлаб, шов-шув кўтаришига уринади. Кўрпимиз, бунақа асаббўзар блогерлар узоққа бормайди. Албатта, қачондир жавобгарликка тортилади.

Кеча бозорда арава ҳайдаб юрган киши бугун ўзини блогерман, деб кўнглига келган ишни қилиши ярамайди.

Менимча, блогер ва блогерлик фаолиятига оид қонун қабул қилиши керак. Давлат тилига амал қилиши, муомала маданияти ва ахборот тарқатиш этикасига оид чекловлар бўлиши зарур.

ЗИЁДУЛА АБДУЛАЕВ:

Халқимизда "Чумчуқ сўйса ҳам қассоб сўйсин" деган гап бор. Албатта, ҳар бир ишининг ўз эгаси бор. Биз ахборот асрида яшамоқдамиз ва бунга эҳтиёж катта. Истаимизми, йўқми ҳаётимиз ижтимоий тармоққа боғланган. Ахборотга эҳтиёж сабаб қайсибир блогерни кузатамиз. Унинг шарҳидан ўзимизча хулоса чиқарамиз.

Блогерлик, назаримда, бир шахснинг ўз нуқтаи назарини оммага ҳавола қилиши билан боғлиқ жараён. У ўз қарашларини эмоцияга берилиб ва тартибсиз баён этса, ахборот тарқатиш тартиби бузилади. Устоз кўрмаган ишгирд ҳар мақомга йўрғалар, деганларидек.

Журналистика бу бошқа гап. Йиллар синовидан ва устозлар кўригидан ўтган, маънан "пишган" журналистлар мақола ёки кўрсатувлар орқали ахборотни тингловчи ва ўқувчига изчи етказида.

Бугунги кунда блогерлик, асосан, моддий манфаат манбаига айланиб қолди. Қардаки "даҳанак" можаро бўлса, шу жойда блогер пайдо бўлади. Блогерлик фаолиятини тартибга солиш ва уларни холисликка ҳизмат қилдириш пайти келди. Zero, блогер "балоғир" бўлмасин.

ОРИФ ЎЛМАСОВ:

Блогерлик тўла-тўқис тушунмасдан, шахсий манфаатни кўзлаб, ҳатто фирибгарлик қилиб пул ундиришгача боришяпти. Ачинарлиси, ана шу блогерлар ўзини журналист деб ҳисобляпти.

Мақолада журналист ва блогернинг фарқи аниқ тушунтириб берилибди.

ИЗЗАТИЛЛО АБДУБОҚИЕВ:

Блогер ва журналист тушунчалари ўртасида аниқ чегара белгиланиши керак. Мақолада тўғри таъкидланган, дуч келган одам журналистман, деб даъво қилиб чиқайтгани халқни ҳам чалғитяпти.

(Айрим фикрлар матни имовий ва услубий жиҳатдан таҳрирланди)

Сўз эркинлиги масъулиятини ҳам тақозо этади

Ахборот макони шиддат билан кенгаётган, ижтимоий тармоқлар жамият ҳаётига чуқур кириб келган бугунги кунда блогерлик феноменига муносабат ҳам тобора мураккаб тус олмоқда. "Adolat" газетасининг жорий йил 13 феврал, 6-сонида чоП этилган "БЛОГЕР ЭРКИНЛИГИ, БИЛИМ ВА ЖУРНАЛИСТИКА ЧЕГАРАСИ" сарлавҳали мақола ушбу мавзунинг чуқур таҳлилига бағишлангани билан аҳамиятлидир.

Орифжон ОДИЛОВ, журналист

Журналист Муҳиддин Омад блогерлик ва журналистика ўртасидаги фарқ, сўз эркинлиги билан касбий масъулият ўртасидаги нозик мувозанат ҳақида ўз мулоҳазаларини ўртага ташлайди.

Шубҳасиз, сўнги ўн йилликда интернет ва ижтимоий тармоқларнинг ўзбек сегментида блогосфера жадал ривожланди. Бир неча юз минг, ҳатто миллионлаб кузатувчига эга блог ва каналлар шаклланди. Муайян йўналишга ихтисослашган, билим ва таҳлилга таянадиган блогерлар жамоатчилик ишончини қозонди. "Xushnudbek.uz", "bakiroo", "Эффект Макаренко", "Асанов формат", "davletovuz", "Zafar Solijonov" каби блогерлик саҳифалари таълим, иқтисодиёт, тилшунослик, жамиятшунослик соҳаларида сифатли контент тайёрлаб, аудиторияни фикрлашга ундади. Айрим ҳолларда уларнинг фикрлари давлат ва жамият ҳаётига оид қарорлар қабул қилиниши жараёнига ҳам муайян таъсир кўрсатди. Бу блогерликнинг ижтимоий қўямати ва кучининг яққол мисоли ҳисобланади.

Блогерликнинг асосий устунликлари билан бири тезкорлик ва тўғридан-тўғри мулоқот имкониятидир. Интернет ва ижтимоий тармоқлар орқали ҳар бир фойдаланувчи ўз фикрини, кузатувларини дарҳол оммага тақдим этиши мумкин. Шу билан бирга, бундай майдонда ахборотни текшириш ва таҳлил қилиш имкониятлари ҳам кенгайди. Шу жиҳатдан билимли блогерлар фикрларини манбаларга таянган ҳолда тақдим қилади, аудиторияни ишончли контент билан таъминлайди.

Халқаро тажрибада ҳам блогер тушунчаси аниқ бир соҳада билим ва тажрибага эга бўлган, ўз касби ёки қизиқиши доирасида контент яратадиган шахс сифатида талқин қилинади. Яъни, блогерлик касб эмас, интеллектуал фаолият ёки хобби ҳисобланади.

Дунё мифёсида танилган блогерлар мисолида ҳам шуни кўрамиз. Улар ҳар қандай воқеага муносабат билдириши мумкин, аммо танқидчиликни, мурожаат қабул қилиб, "қозилик" қилишни асосий тиричилик манбаига айлантириб олма-

ган. Чунки блогер ўз позициясини билдиришга ҳақли, аммо ўзини ҳурмат қилган блогер ҳуқуқни муҳофаза қилувчи орган, суд ёки журналист ўрнини эгаллашга даъво қилмайди. Айнан шу чегара бузилган жойда ахборот тарқатиш маданияти бузилади.

Мамлакатимизда сўз ва фикр эркинлигини таъминлаш борасида сезиларли қадамлар ташланди. Очиқлик сиёсати, ижтимоий тармоқларга нисбатан эркин муҳит блогосфера ривож учун ҳам замин яратди. Бироқ сўз эркинлиги масъулият билан уйғун бўлмаси, салбий оқибатларга олиб келиши мумкин.

Афсуски, бугун ўзини "блогер" деб атаб, аслида шаллақилик, товламачилик, асоссиз айблов ва ҳақоратни "ўз услуби"га айлантириб олган шахслар ҳам учраб турибди. Улар сўз эркинлигига оид қадриятларни ўзларига ниқоб қилиб олаётгани ташвишли ҳолдир.

Бу ҳолат, журналистикани кўя турайлик, ҳақиқий блогерлар шаънига ҳам доғ туширади. Зотан, халқимиз тасаввурда "блогер" тушунчаси тобора салбий мазмун касб этиб бормоқда.

Ривоятда айтилишича, фарзанди кўп ширинлик истеъмол қилётганидан хавотир олган бир киши машур табибдан маслаҳат сўрайди. Ширинлик бола саломатлигига салбий таъсир қилмайдими, агар шундай эҳтиомол мавжуд бўлса, қандай чора кўриш керак дейди. Табиб "Бир ойдан кейин фарзандингизни олиб келинг", дейди. Бир ой ўтган, табибнинг хузурига келишганида табиб болакайга "Болам, кўп ширинлик еманг, соғлигингизга зарар етмасин", деб насиҳат қилади. Отаси "Шу бир оғиз гап учун нега бир ой ўтишини кутдингиз?" дейди. Табиб "Бир ой аёвал ўзим ҳам ширинлик ер эдим. Насиҳат қилишга ҳақим йўқ эди. Бир ой ширинликдан парҳез қилдим, энди, ишалаллоҳ насиҳатимиз самарасиз бўлмади", деган экан.

Бу ривоятнинг мавзуга қандай алоқаси бор, дерсиз. Гап шундаки, бугун "блогерман" деб ўзидан "ҳақиқат ҳимоячиси" ясаб олаётганларнинг

кўпчилиги муқаддам пора олгани, фирибгарлик ёки товламачилик қилгани учун судланган, ахлоқсиз, жамиятда юриш-туриш қоидаларининг оддий нормаларига бўйсунмайдиган ҳуқуқбузарлар экани дилни хира қилади.

Ўзи намунали шахсият эгаси бўлмай туриб, давлатни халққа, халқни шу халқнинг ўзидан етишиб чиққан зиёлиларга қарши қўяётган, гўё ўзини ҳақпараст, адолат посбони қилиб кўрсатаётганларда бундай маънавий ҳуқуқ борми?

Журналист Муҳиддин Омад ўз мақоласида журналист билан блогернинг фарқи чегара бор эканини таъкидлайди. Бу фикрда жон бор. Шу билан бирга билимли, масъулиятли, аудиторияни ҳурмат қиладиган ҳақиқий блогер билан шов-шув орқали обрў орттиришга уринаётган кимсаларни ҳам фарқлаш зарур. Бу икки тоифани ажратиш жамият манфаати учун жуда муҳим.

Сўз эркинлиги демократиянинг асосий устунларидан бири. Усиз ривожланган жамиятни тасаввур қилиб бўлмайди. Шу билан бирга, очиқлик коррупция, непотизм, мансаб воқалатини суиестемол қилишга қарши самарали қурол экани ҳам шубҳасиз.

Бироқ эркинлик мутлақ бўлмайди. У ҳамиша масъулият билан чегараланади. Шу нуқтаи назардан, БЛОГЕРЛИК ФАОЛИЯТИНИ ҚОНУН БИЛАН ТАРТИБГА СОЛИШ ВАҚТИ КЕЛДИ, БИЗНИНГЧА. БУ ЦЕНЗУРА ЁКИ ТАЪҚИБ ЭМАС, БАЛКИ АНИҚ ҚОИДАЛАР ВА ЖАВОБГАРЛИК МЕХАНИЗМЛАРИНИ ЖОРИЙ ЭТИШ ДЕМАКДИР.

Ижтимоий психология нуқтаи назаридан ҳам сўз масъулияти муҳим. ЁШЛАР БЛОГЕРЛАРИНИНГ ФИКРИ ВА ҲАРАКАТЛАРИНИ НАМУНА СИФАТИДА ҚАБУЛ ҚИЛАДИ. УЛАРНИНГ ҲАР БИР ЧИҚИШИ, АЙНИҚСА, ЎСМИР ЙИГИТ-КИЗЛАРДА РЕАЛЛИК ҲИССИНИ ЮЗАГА КЕЛТИРИШИ МУМКИН. ШУНИНГ УЧУН БЛОГЕРЛИКДА ИЖТимоий ОҚИБАТЛАРНИ ҲАМ ҲИСОБГА ОЛИШ КЕРАК.

Шу жиҳатдан журналист Муҳиддин Омад кўтарган масала жуда долзарб. Блогерлик жамият ҳаётида катта кучга айланди. Энди бу куч қайси йўналишда ишлаши хал қилувчи аҳамиятга эга. Асл таъсир шов-шувда эмас, ишончда. Асл обрў вақтинчалик машхурликда эмас, йиллар давомида сақланадиган номда.

Блогер жамиятга таъсир қилаётган экан, у шунчаки камера кўтарган шахс эмас. Балки одамлар учун намуна бўлиши керак. Шуни ҳис қилган блогергина халқ орасида ҳурмат топади.

Сўз эркинлиги ва сўз масъулияти бир-бирдан ажралмас тушунчалардир. Ана шу мувозанат сақланган жойдагина блогосфера жамият манфаатига ҳизмат қилади.

Кишига билганингни ўргат-у, ўзингда йўқ ақлни ўргатма. Бошқаларга қулоқ тут, бироқ айтилган гапларнинг барини тўғри деб ўйлама. Сукут сақлаган кишини бевоқиф, кўп гапирган кишини ақлли, деб билма. Ҳаммани ўзингдай кўр. Ким бўлишидан қатъи назар, кишини паст деб топиш – аҳмоқлик, кўкка кўтариш – кўрқоқликдир. Онгли равишда содир этилган жасоратгина ҳақиқий жасорат, саводсизликдан келган жасорат – жаҳолатдир.

Инсон ўз хато-ларини тан олади-ган даражада кучли, улардан хулоса чиқариш ва тузатиш учун эса ақлли бўлиши керак.

Йиғилган ва қўлга киритилган мол-дунё ризқ ҳисобланмайди, балки ундан фойдаланилган қисмигина ризқ ҳисобланади. Чунки, гоҳида сен катта молни қўлга киритасан, лекин уни сарфламайсан ва ундан фойдаланмайсан. Демак, бу сенинг ризқинг эмас, аксинча у бошқанинг ризқидир. Сен эса уни то соҳибига етиб боргунича сарфламасдан қўриқлаб борувчи қоровул бўласан халос.

Жон МАКСВЕЛЛ

Муҳаммад Мутаваллий ШАРОВИЙ